


Ийсо алайҳиссалом ҳақларида тўғри эътиқод



19:00 / 18.02.2025 1397

Ийсо алайҳиссалом ҳақларидаги тўғри эътиқод қуйидагича бўлади:

قَبْلِهِ مِنْ خَلَّتْ قَدْ رَسُولٌ إِلَّا مَرْيَمَ ابْنُ الْمَسِيحِ مَا

الطَّعَامِ يَأْكُلَانِ كَانَا صَدِيقَةً وَأُمُّهُ الرُّسُلُ

أَنِّي أَنْظَرُ ثُمَّ الْآيَاتِ لَهُمْ بَيِّنٌ كَيْفَ أَنْظَرُ

«Масих ибн Марям бир расул, холос. Ундан олдин ҳам расуллар ўтган. Унинг онаси эса сиддиқадир. Икковлари ҳам таом ер эдилар. Уларга оятларни қандай баён қилаётганимизга назар сол-у, кейин уларнинг қаёққа ўгирилиб кетаётганларига назар сол» (Моида сураси, 75-оят)

Масих ибн Марям кабилар йўқ эмас. Унга ўхшашлар дунёда кўплаб ўтган. Шунинг учун пайғамбарлик хусусиятлари ила оддий одамлардан бир оз ажралиб туриши унга эргашганларни у ҳақида турли бўлмағур ақийдаларни қилишга, ҳатто уни «худо» деб даъво қилишга олиб бормаслиги керак.

«Масих ибн Марям бир расул, холос. Ундан олдин ҳам расуллар ўтган».

Масих ибн Марямдан олдин ўтган кўплаб пайғамбарларда ҳам пайғамбарлик хислатлари, мўъжизалари ва сифатлари бўлган. Лекин уларни ҳеч ким Худо деб даъво қилмаган. Чунки ҳақиқат ўзи шу. Шунинг учун Масих ибн Марямни ҳам Аллоҳнинг пайғамбари деб билиш зарур.

«Унинг онаси эса сиддиқадир».

Биби Марям бинти Имрон сиддиқа, яъни Аллоҳнинг айтганларини, амру фармонини тасдиқловчидир. Содик, пок бир бандадир. Бу кишини ҳам «она Худо» деб эътиқод қилиб бўлмайди. Демак, Масих ибн Марямни ҳам, унинг онаси Марям Сиддиқани ҳам худо деб эътиқод қилиш хатодир. Биргина далилнинг ўзи уларнинг аслида ким эканликларини кўрсатади.

«Икковлари ҳам таом ер эдилар».

Бу оддий ҳақиқат. Бу ҳақиқатни энг ашаддий насоролар ҳам инкор эта олмайдилар. Марям кичиклигидан – ота-онасидан туғилганидан бошлаб одамлар ичида ўсди. Еб-ичди. Буни ҳамма кўрди. Бу ҳол у киши бу дунёдан ўтгунига қадар давом этди. Шунингдек, Масих ибн Марям ҳам онасидан туғилгандан бошлаб кўпчиликнинг ичида бўлди. Доимо таом тановул

қилди. Уни Аллоҳ таоло Ўзига кўтаргунгача шундай давом этди. Бунни ҳам ҳамма кўрди. Энди ўйлаб кўрсинлар. Бошқа нарсаларни бир ёққа қўяйлик-да, ушбу оятда келган энг оддий далилни – таомни олайлик. Таомга ҳожати тушувчи одам Худо бўла оладими?! Овқат емаса, қорни очиб, заифлашадиган киши Аллоҳ бўлиши мумкинми?! Ҳожатмандлик бандага хос сифат. Шунингдек, таомга ҳожат тушиши, овқат емаса, қорин очиши, сув ичмаса, чанқаш бандага хос сифатлардир. Бинобарин, ҳаётлари давомида таом еб ўтган Масиҳ ибн Марям ва у кишининг оналари Марям Сиддиқалар ҳам Аллоҳ эмас, Аллоҳнинг бандаларидирлар.

Бу жуда ҳам оддий мантиқ. Ҳеч қандай ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо:

«Уларга оятларни қандай баён қилаётганимизга назар сол-у, кейин уларнинг қаёққа ўгирилиб кетаётганларига назар сол».

Жуда ҳам ажабланарли ҳол.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди